O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 3 август, № 149 (4048) Пайшанба

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Истиқлолимиз шодиёнасига 29 кун қолди

Энг улуғ, энг азиз байрамга муносиб армуғонлар билан борайлик

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ — БАРАКАЛИ ХИРМОН КАФОЛАТИ

Ўзбекистон иқтисодиётида пахтанинг ўрни беқиёс. Бу қимматбаҳо хомашё мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Халқона қилиб айтганда, у бизни ҳам тўйдиради, ҳам кийдиради. Шу боис, деҳқон борки, ерга уруғ қадаб, то ҳосилни йиғиб олмагунча қозон-товоғини дала бошига кўчиради.

Пастдарғом туманидаги "Умсин момо" фермер хўжалиги раҳбари Элибой Таниев эл-улус ўртасида "уста пахтакор" деб ном олган инсонлар сирасига киради. Унинг кўксини "Эл-юрт ҳурмати" ордени безаб турғани эса, фидокорона меҳнатлари маҳсулидир.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланган пайтда, у ҳеч иккиланмай 215 гектар ерни тасарруфига олди. Пахтачилик ва ғаллачиликда ортгирган бой тажрибаси эса фаолияти давомида қўл келмоқда. Хусусан, режа ва топшириқлар муттасил зиёди билан адо этилаяпти. Мисол учун, ўтган йили у етакчи бўлган хўжалик пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга етказди. Табиийки, даромад ҳам меҳнатга яраша бўлди.

Биз Элибой акани дала бошида, аниқроғи, уни ғўза оралаб юрган чоғида учратдик. Салом-аликдан сўнг у гап бошлади:

— Ғўза бошқа экинларга нисбатан анча нозик, эътиборталаб ўсимлик. У узлуксиз парваришни ёқтиради. Мана, "асад" ҳам кирди. Бу даврда ғўзани шарбат сувига тўйинтириш керак. Шунда тупроқ намлиги яхши сақланади. Чеканкани экин ҳолатига, унинг қанчалик ҳосил тўплаганига қараб ўтказиш кутилган натижа беради.

Яна бир гап. Айнан август ойида ғўза зараркунандалари урчий бошлайди. Кўсак қурти, ўргимчаккана — ҳосилнинг офати. Уларга қарши биологик усулнинг энг самарали воситаларидан фойдаланиш талаб этилади.

— Мана, бир неча йилдирки, чигитни қўшқаторлаб экамиз, — дея гапини давом эттирди Элибой ака. — Бу усулнинг самараси ғўза етиштирилишида камида 1,5-2 ҳисса кўп. Яъни, туплар сони кўп бўлса, ҳосил ҳам шунга яраша мўл бўлади. Албатта, экинларни биргина минерал ўғитлар билан тўйинтирмасдан, уларга маҳаллий ўғит ҳам солинса, унумдорлик янада ортади.

Жорий йил баҳорида пайариқликлар 15080 гектар майдонга чигит қадашган. Ҳозирда 220 дан ортиқ культиватор ёрдамида ғўза қатор оралариға ишлов берилмоқда. Ҳар гектар экин майдони сифатли чопиқ ва ўтоқдан чиқарилиб, шарбат суви билан тўйинтирилмоқда.

— Парваришни зарур агротехник талаблар асосида олиб бораяпмиз, — дейди тумандаги "Саида" фермер хўжалиги раҳбари Карима Самандарова. — Ўтган йили гектар ҳисобига 27 центнердан ҳосил олгандик. Бу йил 32 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилаяпмиз. Ҳозиргача экинлар 4 марта чопиқдан чиқарилиб, вегетацион суғориш ишлари 3,5 марта ортиқ бажарилди. Мутахассисларнинг фикрича, даламиздаги ғўзанинг ривожи ўтган йилдагига нисбатан 15-20 кун илгари. Шунга қарамасдан, ўсимликка ишлов бериш суръатини пасайтирмаяпмиз. Бугунги меҳнатимизнинг натижасини эса кузакда кўрамиз.

Абдурасул САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Анжуман

Республикамизда винобоп узум етиштириш ва уни қайта ишлашни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида тармоқда мавжуд муаммоларнинг аниқ ечимлари кўрсатиб берилди.

ТАРМОҚ ИСЛОҲОТИ ЙЎЛИДА

«Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси томонидан Китоб туманида ўтказилган ҳудудий семинарда бу муҳим ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги агрофирмалар раҳбарлари, фермерлар, қайта ишлаш корхоналари вакиллари иштирок этдилар.

Узум етиштириш ва уни қайта ишлаш, юқори сифатли вино турларини ишлаб чиқаришга бағишланган семинарнинг бу туманда ўтказилганлиги бежиз эмас. Қашқадарё вилоятида 7139 та боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бўлса, улардан 5428 таси Китоб тумани ҳудудида жойлашган. Ўтгани йили вилоятда етиштирилган винобоп узумнинг каттагина қисми ҳам шу туман сохибкорлари ҳиссасига тўғри келади. Туман ҳокими Луқмон Ғаффоров, «Китоб» агрофирмаси раҳбари Зариф Бурҳонов узумчилик соҳасидаги ютуқ ва камчиликлар, соҳани янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини семинар қатнашчилари билан ўртоқлашди. Сурхондарё вилоятидаги «Олтинсойшароб» очиқ ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Ражаб Пардаев ва бошқалар хомашё етиштирувчи билан қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, ток навларини яхшилаш, ҳосилни ташишга доир масалалар юзасидан амалий таклифларни ўртага ташладилар.

«Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси бошқаруви раиси Сайдамин Саиджалолов, компаниянинг иқтисодиётмолия бош бошқармаси бошлиғи Шарифжон Абдулазизов семинар қатнашчиларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

Семинар қатнашчилари «Китоб» агрофирмасида бўлиб, узум навлари, қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан ҳам танишдилар.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик поездининг эзгу сафари

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан "Экология ва саломатлик кунлари" ташкил этилган эди. Унга биноан республикамизнинг чекка туманларига "Саломатлик поездлари" юборилмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди. Замонавий тиббий ускуналар ва 350 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган поезд Амударё, Тўрткўл, Элликқалъа, Тахиатош, Қораўзак ва Кегайли каби туманларда бўлди. Унда малакали шифокорлар иштирок этгани тиббий кўрикда аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш имконини берди. Саломатлик фидойилари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли даволаш ва профилактика муассасаларига, Болалар сил касаллигини даволаш санаторийига ҳамда бир қанча ёзги оромгоҳларга ташриф буюрдилар.

Тадбир давомида "Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида" шиори остида анжуман, кўргазма ва экофестивалларда бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Тўёна

Таэквондонинг ITF тури бўйича мамлакатимиз терма жамоаси вакиллари мустақиллигимизнинг ўн беш йиллигига ажойиб тўёна ҳозирлашди.

Фахриддин — иккинчи бор жаҳон чемпиони

Ҳамюртларимиз Болгарияда фахрийлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этишди.

Дунёнинг 71 та давлатидан минг нафарга яқин спортчи қатнашган мазкур нуфузли мусобақада ўзбек таэквондочилари 2 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Жумладан, фахрийлар ўртасидаги баҳсларда терма жамоамиз бош мураббийси Фахриддин Умаров барча рақибларини енгиб, иккинчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунингдек, жамоавий баҳсларда Пўлат Усмонов, Файзирахмон Насибуллин, Фахриддин Умаров ва Комил Шукуров тўртлиги ҳам олтин медаль билан тақдирланди. Аёлларимиз ҳам жамоавий баҳсларда муносиб иштирок этиб, кумуш медалига эгалик қилишди.

Фахрийлар ўртасида кечган шахсий биринчилик беллашувларида Комил Шукуров ва Файзирахмон Насибуллинлар кумуш медаллари совриндорлари бўлишди.

Ёшлар ўртасидаги мусобақада Шерзод Раҳмонов, Аъзам Ажибеков ва Сарвар Шойимовларга бронза медаллари насиб этди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шоҳсупадаги зафарлар кўзгуси



— Ботсвана давлатининг байроғи қанақа эди?
— Аниқ эслолмайман.
— Бразилиянинг байроғи-чи?
— Ие, машҳур футболчилар юрти бўлган Бразилия байроғи қанақалигини билмайдиган одам бормикан? Бу байроқ тасвири бутун дунёни кезиб чиққан-ку!

(Бекатдаги суҳбатдан).



Ҳа, спорт мамлакатни жаҳонга танитади. Агар бирор турда беллашган спортчи рекорд ўрнатса, ўша давлат номини Ер юзининг энг чеккасидаги одамлар ҳам эслаб қолишади.

Беихтиёр шундай савол туғилади: хўш, бизнинг спортдаги ютуқларимизни ёрқин ифодалайдиган, ўзида мужассамлаштирадиган жой борми? Бор. Бу ташкил этилганига 10 йил бўлган Олимпия шон-шуҳрати музейидир.

Республикамиз мустақиллигининг беш йиллик байрами кунларида пойтахтимизда Олимпия шон-шуҳрати музейи очилганди. Музейнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Халқаро Олимпия қўмитасининг ўша вақтдаги президенти Хуан Антонио Самаранчлар иштирок этишганди.

Бугун музейни айланасангиз ранг-баранг экспонатларни кўриб кўзингиз қувнайди.

— Спортга қизиқмаган одам камдан-кам топилса керак, — дейди қашқадарёлик Муҳиддин Нормуродов. — Олимпия шон-шуҳрати музейи очилганлиги ҳақида эшитгандим. Бугун ундаги экспонатлар билан танишдим. Профессионал рингда бир неча бор зафар қучган ҳамюртимиз Артур Григорянниг бевосита жанг ўтказган қўлқопини ўз кўзим билан кўриш имконига эга бўлдим. Қолаверса, юртимиз спорти тарихи ҳақида ҳам анча маълумот олдим.

Маълумки, кўҳна Юнонистонда туғилган илк Олимпия ўйинлари ҳам ўз моҳиятига кўра, руҳий ва жисмоний гўзал кишилар — атлетларнинг маънавий баркамоллик ва маҳоратда, кучлилик ва эпчилликда, жисмоний гўзалликда пок ва ҳалол, холис беллашуви намойиши бўлган. Буюк юнон математиги Пифагор бокс бўйича Олимпия чемпиони бўлганлиги, файласуфлар Суқрот ва Платон, драматурглар Софокл ва Еврипид юнон маданиятининг бошқа кўплаб намояндалари ҳам Олимпиада ўйинларида қатнашганлиги, бу қадимий спорт байрамининг асл моҳиятини кўрсатади.

(Давоми 4-бетда).

Диққат, танлов !

Мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг санъатини оммалаштириш, иқтидорларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида «Келажак овози» республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Республика электрон ва босма оммавий ахборот воситалари учун танлов

Танловнинг янада кенг миқёсда ўтказилишини таъминлаш, республиканинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ёш иқтидор эгаларини чорлаш мақсадида Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолият дастурлари доирасида электрон ва босма оммавий ахборот воситалари журналистлари ўртасида кўрик-танловни эълон қилади.

Танловда мулк шаклидан қатъи назар, юридик шахс бўлган ва Қорақалпоғистон Республикасида, Ўзбекистоннинг вилоятлари ва туманларида фаолият кўрсатаётган электрон ва босма оммавий ахборот воситалари иштирок этиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Навбатдаги сонларда

Дастур ҳисобот учун тузилмайди

Асоссиз аралашувга асосли тўсиқ

Тарих олдидаги масъуллик

Қатағон қурбонларининг руҳини шод этиб

Фармон ва ижро

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур туманнинг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимидан маълум қилишларича, жорий йилнинг биринчи ярмида 905 фуқаро иш билан таъминланган. Эътиборли жиҳати — улардан 414 нафари хотин-қизлардан иборат.

КАСАНАЧИЛИК — САМАРАЛИ ИШ

— Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида" ги фармонига мувофиқ, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида туманимизда касаначилик асосида 468 янги иш жойи очилди, — дейди Ҳамза туман меҳнат бўлими раҳбари Х.Муҳаммадалиев. — Касаначиларнинг 378 нафари меҳнат шартномаси асосида, 52 киши эса буюртма асосида хизмат қилмоқда.

Касаначилар тикувчилик, канцелярия моллари тайёрлаш, эҳтиёт қисмларини йиғиш каби ишларни фаол бажармоқда. Иш берувчилар томонидан касаначилар зарур асбоб-ускуна, жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланган. Хомашё мунтазам етказиб берилаётир. Энг асосийси, мазкур фаолият тури билан шуғулланаётган шахслар ижтимоий суғурта қилиниб, уларнинг меҳнат хавфсизлиги билан боғлиқ чоралар кўрилган.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда касаначиликнинг кенг жорий этилаётгани аҳолининг ижтимоий мавқеини яхшилаш билан бирга, корхоналар фаолиятида ҳам қатор қулайликлар яратмоқда. Хусусан, 2006 йил 1 февралдан эътиборан касаначилик фаолиятини йўлга қўйган корхоналар беш йил мобайнида меҳнатга ҳақ тўлаш фондидаги ягона ижтимоий тўловлар ҳамда касаначига бепул берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарларни фойдаланиш даврида тўланадиган мулк солиғидан озод этилган. Бу эса корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигига эришиш имконини бермоқда.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Республика электрон ва босма оммавий ахборот воситалари учун танлов

(Давоми. Боши 1-бетда).

Танловни ўтказиш шартлари

Танлов икки босқичда ўтказилади: биринчи босқичда вилоят саралаш босқичи жараёнларини ёритиш борасидаги ижодий ишлар жорий йилнинг 25 августига қадар қабул қилинади ва Мустақиллик байрами арафасида якунланади ва ғолиблар тақдирланади. Иккинчи босқичда эса «Келажак овози» танловининг республика саралаш ва финал босқичи жараёнларини ёритишга қаратилган ижодий ишлар қабул қилинади ва танлов якунида ғолиблар тақдирланади.

Танловга тақдим этилган телерадиомаҳсулотлар ЎзНТТ бадиий кенгаши ва ЎзЭОАВМА Маслаҳат маркази томонидан қабул қилинади, ўрганиб чиқилади ва ишчи гуруҳ хулосаси тайёрланади.

Танловга тақдим этилган босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Маслаҳат кенгаши томонидан қабул қилинади, ўрганиб чиқилади ва ва ишчи гуруҳ хулосаси тайёрланади.

Ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган хулосалар соҳа мутахассисларидан ташкил этиладиган нуфузли ҳайъат аъзолари муҳокамасига тақдим этилади.

Ҳайъат аъзолари тақдим этилган ижодий ишларнинг «Келажак овози» республика танловининг мақсад, моҳияти ва аҳамияти қай даражада тўлиқ ва кенг очиб берилганлиги, профессионал тарзда ёритилганлиги, ижодий ва техник савиясига қаратилган мезонлар асосида ғолибларни аниқлайди.

Тақдим этилган телерадиомаҳсулотлар рус ёки ўзбек тилида, сифатли дискда, сценарийси билан биргаликда қабул қилинади. Унга телерадиостанция ҳақида маълумот, муаллифнинг профессионал фаолияти, паспорт маълумотлари илова қилинади.

Тақдим этилган материаллар икки қатор оралиғида, икки нусхада, босма ҳолда 5-10 саҳифадан иборат бўлиши, ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, муассислари, бош муҳаррири, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили.

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади:

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Танлов ғолиблари икки номинация бўйича эълон қилинади:

— *«Келажак овози» республика кўрик-танловини ёритишга қаратилган энг яхши телерадиомаҳсулотлар тўплами;*

— *«Келажак овози» республика кўрик-танловини ёритишга қаратилган матбуотда чоп этилган энг яхши ижодий ишлар тўплами.*

Ҳар битта ўринга ғолиблик юқорида кўрсатилган икки номинация бўйича белгиланади.

Икки босқич ғолиблари ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:

— битта 1-ўрин — 150 000 сўм;
— иккита 2-ўрин 100 000 сўмдан;
— учта 3-ўрин 50 000 сўмдан;

Босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар ҳар икки босқичда «Келажак овози» республика танловини ёритишга» деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.
Тел./факс: 144-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.

Электрон оммавий воситаларида эълон қилинган телерадиомаҳсулотлар ҳар икки босқичда «Келажак овози» республика танловини ёритишга» деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри – 700000, Ҳ.Олимжон майдони, "Пойтахт" бизнес-комплекси ғарбий томони, 4-йўлак, 2-қават. Тел./факс: 137-28-30, www.naesmi.uz, e-mail: naesmi@mail.ru

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Бу йўллар манзилларга элтар

Халқимизда "Йўлга эътибор — элга эътибор" деган пурмаъно ҳикмат бор. Шу боис ҳам юртимизда доимо йўл қуриш, бировларнинг узоғини яқин қилишдек савоб ишларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мана, икки йилдирки, Наманган, Янгиқўрғон, Калишох йўналишида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, унинг атрофлари кўкаламзорлаштирилмоқда. Шу кунгача 10 километр масофага асфальт ётқизилди. Бу ишларни бажаришда Янгиқўрғон йўл хўжалиги туман пудрат фойдаланиш корхонаси жамоаси жонбозлик кўрсатмоқда.

СУРАТДА: корхона раҳбари Адҳамжон Жавҳаров(ўртада) иш юритувчи Қутбиддин Тўрабоев ҳамда ишчи Собиржон Келдиев билан биргаликда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ҳодиса

СИМ ЎҒРИЛАРИНИНГ СИРИ ОЧИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 18 июлда эълон қилинган «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори соҳа ривожини таъминлаш, рангли металл парчалари, чиқиндиларини талон-торож қилиш ҳамда турли йўллар билан мамлакатимиздан олиб чиқиб кетилишини бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси томонидан бу борада ўтказилган тадбирларда рангли металл, алоқа ва электр узатиш кабеллари, асбоб-ускуна ҳамда жиҳозларни ўғирлаш билан боғлиқ саксонга яқин қонунбузарлик аниқланди. 39 та жиноий иш қўзғатилди.

Бошқарма матбуот хизматидан маълум қилишларича, Ангрен шаҳрида олиб борилган ана шундай тадбирлар жараёнида Дукент маҳалласида яшовчи А.Соипов 300 метрдан зиёдроқ кабелни ўғирлагани маълум бўлди.

Тошкент шаҳрининг Қорасув даҳасида яшайдиган, илгари судланган Г.Хурсон эса Қибрай қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтган 200 метр алоқа симини ўғирлаб, арзон гаровга сотаётган пайтда қўлга тушган.

Вилоят ички ишлар ходимлари содир этилаётган бундай жиноятларнинг олдини олиш мақсадида жойларда — ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳалла гузарларида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бораяпти.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

Таассуф!

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, дейдилар. Бу нақл дала юзини кўрмаган, дон етиштириш нималигини билмаган, тегирмоннинг яқинига йўламаган ва ниҳоят новвой заҳматини тасаввуригаям сиғдиролмаган, бироқ нонинг таъмини деҳқондан кўра яхши биладиган кимсаларга қарата айтилган.

СУВТЕКИНГА СОТИЛГАН БИНОЛАР

ва уларни нафс йўлида пуллаган учарлар ҳақида

Биз қаламга олаётган шоввозлар ҳам ҳайҳотдай бинолар ўз-ўзидан тикланиб қолмаганини, уни барпо қилгунча бунёдкор одамларнинг қўли қаварганини, қанчалаб маблағ сарфланган қурилиш материаллари осонлик билан юзага чиқмаганини қайдан билсин. Аслида уларга бу каби бош оғриғининг кераги ҳам йўқ. Халқнинг пешона тери билан тикланган, яқин-яқинларгача юзлаб меҳнаткашларни боғрига олган иншоотларни енг ичида, сувтекинга пуллаб юборсалар бас.

Марҳамат туманидаги «Сут қабул қилиш пункти»ни сотишдаги найрангбозликлар, Алининг қалпоғини Валига кийдиришлар, ҳужжатларни сохталаштиришларни кўриб ёқа ушлайсиз ва беихтиёр ақлни шоширадиган қитмирликларга қўл урганлардан хафа бўлиб кетасиз. Мурод Мусулмонқулов туман коммунал фойдаланиш масъулияти чекланган жамиятига бор-йўғи олти ой раҳбарлик қилди. Ташкилотнинг собиқ раиси А.Мирзакаримов, бош ҳисобчи Хуршида Исломова, Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «PRINSIP» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мирзажон Солижоновлар билан ўзаро тил бириктириб, «Сут қабул қилиш пункти»ни 86.737 сўмга сотиб юборишди.

— Бинони бир куннинг ўзида коммунал фойдаланиш МЧЖ балансига олишибди азаматлар, — дейди туман ҳокими Козимжон Мадрахимов. — Эртасигаёқ Ҳусанбой Тешабоев деган шахсга пуллашибди.

— Бинони ўз балансларига олиш учун давлат солиқ инспекциясидан маълумот олинганми?

— Йўқ, — дейишди солиқчилар.

— Туман ҳокимлигидан тегишли рухсатнома-чи?

— Қайда. Унинг ўрнига бинони биржа орқали сотиш бўйича умумий йиғилиш қарорини, таъсисчилар йиғилиши қатнашчиларининг розилиги тўғрисидаги имзо варақаларини сохталаштирдилар. М.Аҳмедов, А.Ҳайитбоев, А.Ҳожиқулов, С.Тошматов, А.Абдулғаниев, Х.Мирзаминов, М.Эргашев каби таъсисчиларнинг ўрнига ўзлари имзо чекишди. «PRINSIP» МЧЖ раҳбари М.Солижонов эса «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунга зид ҳолда сут қабул қилиш пунктининг ҳайҳотдай биносини 86.737 сўмга баҳолаб, уларнинг тегирмонига сув қуйди. Сохта ва қалбаки ҳужжатлар жамламаси республика Кўчмас мулк биржаси вилоят бўлимига тақдим этилди ва бинони биржа савдоси орқали сотишга рухсат сўралди. Юқорида айтиб ўтилганидек, фуқаро Ҳусанбой Тешабоев арзонгина баҳога сотилган мулкни хамирдан қил суғургандай ўзиники қилиб олди.

Ҳолбуки, «Ўзбахтбаҳо» масъулияти чекланган жамияти, мулкни техник, ҳуқуқий, иқтисодий экологик баҳолаш корхонаси томонидан берилган хулосага кўра, бинонинг амалдаги баҳоси 4 миллион 296 минг сўмдан ортиқ экан.

Избосканда бўлиб ўтган олди-сотди ҳам ажабтовур. Марҳамат туманидаги лицензияси бўлмаган «GOLOR-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган филиали ходимлари Избоскан туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигининг баланс қиймати 6 миллион 79 минг сўм бўлган ёзги клуб, хўжалик омбори, инкубатория биноларини бор йўғи 2 миллион 145 минг 467 сўмга баҳолади. Пахтаобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 56-модда, 3-қисми талабларига зид равишда, яъни мазкур мулкларни кимошди савдосига қўйиб сотилишини ташкил этиш ўрнига кўп тармоқли «Агросаноат» биржасининг Андижон савдо майдончасида сотиш учун чиқарган. Бундан на ширкат хўжалиги раҳбарлари ва на ўша клубда киномеханик бўлиб умри ўтаётган Равил Исломов хабар топган.

Иншоотлар савдоси чайқов бозорини эслатади. Пойдевори бетон, пишиқ ғиштдан тикланган, томи шифер билан ёпилган, тахта полли, фойдаланиш майдони 500 кв. метрдан иборат бўлган ва Тўрткўл қишлоғининг энг йирик маданий-маърифий ёзги клуб биноси Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳабибулло Баҳодиров деган шахсга сувтекинга — 1 миллион 556 минг 126 сўмга сотилди. Девори пишган ғиштдан тикланган, шифер томли, поли тахтадан бўлган, қурилиш майдони 360, фойдаланиш майдони 260 кв. метрдан иборат омборхона биноси Наманган вилоятида яшовчи Илёсхон Мадаминовга атиги 519 минг 216 сўмга, баланс қиймати 148 минг сўм бўлган инкубатория биноси тенг ярмига — 70.125 сўмга пуллаб юборилди.

Ҳабибуллоси тушмагур етти ухлаб тушигаям кирмаган ёзги клуб биносини ҳайратланарли даражада арзонга сотиб олгач, ҳеч қанча ўтмай Абдулазиз Мадиёров деган яна бир шахсга салкам беш юз минг сўм фойдасига сотиб юборди. Илёсхон Мадаминов бўлса анчайин иш билгувчи экан темирни қизиғида босди — инкубатория биносини тўлалигича бузиб, ундан чиққан қурилиш материалларини сотиб юборди.

Избоскан тумани ҳокимлиги халқ мулкини уялмайнетмай талон-торож қилаётганларнинг кирдикорларидан хабар топгач, вилоят прокуратурасига мурожаат қилди. Прокуратура содир бўлган ҳолатларни чуқур ўрганиб чиқди. Избоскан туманлараро судига даъво ариза киритилди. Сотувчи ва олувчилар ўртасида тузилган шартномалар бекор қилинди. Мулклар ширкат хўжалигига қайтарилди. Бел оғритмай мўмай пулга эга чиқмоқчи бўлганлар қанд ўрнига кесак чайнаб олганлар ҳолига тушишди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: мулкларнинг сувтекинга сотилишидан кимлар манфаатдор бўляпти? Инсофсизлик ҳам шу даражага борадими? Сотувчи харидор ёки мижоз ҳақига хиёнат қилса, катта миқдорда жарима солинади-ю, халқнинг бойлигига, мулкига чанг солиб, миллионларни совираётганлар нима учун сувдан қуруқ чиқишмоқда?

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ниҳол — 2006»

"Ниҳол" мукофотининг таъсис этилганига эндигина олти йил бўлди. Аммо шу қисқа вақт давомида танлов кўплаб истеъдодларни кашф этди, ёш санъаткорларга саҳна эшикларини очди. Бугун халқимиз «Ниҳол»га фақатгина ёшларнинг кўриги деб эмас, балки катта санъат байрами сифатида қарайди.

ДАЪВОГАРЛАР ҲАЯЖОНДА

«Ниҳол» танловларида 3000 нафар ёш истеъдод қатнашди



Бу йилги тадбирлар янги тартибда ташкил қилинди. Республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олиш мақсадида уч босқичли танлов тизими жорий этилди. Дастлаб туман ва шаҳарлар миқёсида ғолиб бўлган ёшлар кейинчалик вилоят босқичида ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди. Мукофотга муяссар бўлиш истагида ариза топширган 3 мингга яқин ижодкордан 447 нафари вилоят босқичига йўлланма олди. Ҳозиргача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда танловлар якунланиб, республика босқичида иштирок этувчи номзодлар номи аниқланган.

Айни кунларда ташкилотчилар мукофотнинг тақдирлаш маросимига қизғин ҳозирлик кўришаётган бўлса, якуний босқичда иштирок этадиган ёшларнинг қалбида ҳаяжон ва умид жўш ураётир. Улардан бири — рақс йўналиши бўйича Тошкент шаҳри вакили Муҳаббат Қурбонова шундай дейди:

— "Ниҳол" мукофоти ғолибни эл аро машҳур қилади. Лекин бунга ўзўзидан эришиб бўлмаслигини яхши биламан. Шунинг учун ҳозирда тинмай машқ қилаяпман, изланаяпман. Айниқса, миллий рақс санъатимизни ўрганиш менга жуда ёқади. Турли байрам тантаналарида, мусиқа фестивалларида мумтоз рақсларни ижро этаяпман. Яқинда "Ниҳол" мукофотининг республика босқичига йўлланмани қўлга киритдим. Тўғрисини айтсам, саралаш босқичининг ўзиёқ мени анча "пишитди". Юртимизда истеъдодли ва интилувчан ёшлар шунчалик кўп эканки, улар орасида биринчи бўлишим анча қийин кечди. Шулардан хулоса чиқариб, республика босқичига жиддий тайёргарлик кўряпман. Бунда менга "Тошкент зеболари" ансамбли ва устозим Карима Узоқова яқиндан ёрдам беришмоқда.

Дарҳақиқат, бундай дамларда ҳеч бир ёш ҳавас ва ҳаяжонини яшира олмайди. Чунки мукофот машҳурлик ё мақтов эмас, масъулият деганидир. Бу масъулият ҳар бир совриндорга юксак ишончни оқлаш ва элга хизмат қилиш вазифасини юклайди. Бундай шарафли вазифага кимлар муносиб эканлигини эса шу йил 18 августда билиб оламиз.

Анвар САМАДОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Тошкент оқшоми» 1 август.
Зулфия Аҳмедова, Хидирали Панжиев «Қилмишларига яраша жазо олишди»:

«Халқимизда «Ёғ айниса туз соласан, туз айниса не соласан?» деган ҳикматли нақл бор. Дарҳақиқат, ўзганинг эмас, ўз жиянларининг қўлида фожиали тарзда нобуд бўлган Ҳалима аянинг тақдири сиз азиз муштарийларни, бир зумгина бўлса-да, ўйга толдириши, мушоҳадага чорлаши табиий деб ўйладик. Умрининг гуллаган даврини қайноқ ҳаёт қучоғида эмас, аксинча панжара ортида, сиҳат-саломатликдан сўнг иккинчи ўринда турадиган эркинликдай улуғ неъматдан мосуво бўлаётган ўспиринларнинг қилмиши ҳар биримизни бефарқ қолдирмайди, албатта.»

«Хуррият» 2 август.
Алибой Қаҳрамонов «Ҳаёт» ҳаётга яқинлашяпти»:

«Ҳаёт» қисқа фурсат ичида ўз ўқувчиларини топганлиги рост. Улар газетанинг ҳар битта сонини интиқлик билан кутиши ҳам айни ҳақиқат. Ранг-баранг саҳифалар, теледастурлар, қизиқарли воқеа-ҳодисалар акс этган устунлар... Бир қарашда, бу «Ҳаёт»ни салкам «сариқ матбуот» рўйхатидаги газеталар сирасига киритиб қўяди. Аммо, «Ҳаёт» газетаси улардан бир жиҳатига кўра фарқ қилади. Бу унинг жиддийлиги ва ростгўйлигидир. Бугунгидек «информацион уруш»лар авж олган замонда мазкур хусусият жуда муҳим саналади.»

«Ишонч» 2 август.
Наби Жалолиддин «Чинакам жасорат намунаси»:

«Халқимиз онгига осон етиб боргувчи латифанамо, масалнамо бу шеър 1965 йилда ёзилган. Яъни оламни таҳликага солган шўролар тузуми айни кучга тўлган вақт эди. Ҳали қатағон яраларидан қон оқарди. Шундайин замонда ёш бир шоирнинг бу эртаси йўқ жамиятнинг башарасини ўзбекона тилда очиб ташлаши, фош этиши чинакам жасорат эди, дор олдида ҳақиқатни айтиш билан баробар эди. Шоир бу билан шунингдек, бугунги порлоқ кунлар келиши муқаррарлигини башорат ҳам қилганди.»

«Тошкент ҳақиқати» 2 август.
Маҳфуза Йўлдошева «Ўзимизга кераклигини ўрганайлик!»:

«Албатта, инсоният эришган ахборот технологияси ютуқларини инкор этиш фикридан йироқмиз. Биз жадал ривожланишга хизмат қиладиган мазкур тармоқ билан ҳали кўп имкониятларга эришамиз.

Фақатгина ҳозирги мураккаб даврда ёшлар онгига бўлмағур фикрлардан, ғарбга томон қилинган тақлидлардан сақлаб қолсак, эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишида чинакам фаоллик қилган бўламиз.»

Сайёрамизнинг энг бахтли мамлакати

Буюк Британиянинг Лейстер университети олимлари Ер юзида энг бахтли одамлар қаерда яшашини аниқлашди.

World Map of Happiness, яъни Бахтлиликнинг дунёвий харитаси деб номланган тадқиқотларда у ёки бу давлатдаги соғлиқни сақлаш ва таълим тизимлари, миллатнинг ўзига хослиги, ҳаттоки, ўлканинг табиатига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълум бўлишича, сайёрамиздаги энг бахтли инсонлар Данияда яшашаркан. Жумладан, 178 ўриндан иборат рўйхатнинг иккинчи ва учинчи ўринлари эса Швейцария ва Австрияга насиб этди.

Тадқиқотлар Ўзбекистон Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги орасида энг бахтли одамлар яшайдиган юрт эканини кўрсатди.

Таъкидлаш лозимки, 178 ўриндан иборат рўйхатда Хитой саксон иккинчи, Япония тўқсонинчи, Ҳиндистон бир юз йигирма бешинчи ўринни эгаллаган. Россия эса бир юз олтмиш еттинчи ўринда жойлашди.

Ушбу илмий тадқиқотлар раҳбари, ижтимоий психология бўйича мутахассис Эдриан Уайтнинг маълум қилишича, тадқиқотлар юздан ортиқ илмий изланишлар таҳлили асосида вужудга келди ва ушбу жараёнда 80 мингдан ортиқ киши иштирок этди.

«Фуқаролардан сиз бахтлимисиз, деган саволга соғлиқни сақлаш, таълим тизими, одам бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми юқори бўлган мамлакатлар фуқароларидан кўпроқ ижобий жавоб олдик» деди у.

С.ДОНИЁРОВ.

Россиянинг металлургия билан шуғулланувчи «Северсталь» компанияси жорий йилнинг охири, келгуси йилнинг бошига қадар Лондон фонд биржасига 1,5 миллиард долларлик акциялар пакетини киритишга тайёргарлик кўрмоқда.

Лондон биржасига чиқмоқчи



Бу ҳақда Ғарб матбуоти турли банклардан олинган маълумотларга таяниб хабар тарқатмоқда. Уларда таъкидланишича, «Северсталь» 10 фоиздан кўп бўлмаган дастлабки акциялар пакетини Citigroup, Deutsche Bank ва UBS банкларига бермоқчи.

Ҳозирча компания раҳбарияти мазкур хабарга изоҳ бермади. Айни пайтда «Северсталь»нинг 90 фоиз акциясига компания директорлар кенгаши раиси Алексей Мордашовга тегишли. Иқтисодий таҳлилчиларнинг тахминларига қараганда, Мордашов Лондон биржасига ўз акцияларини чиқариш билан инвесторлар кўзига яқин бўлишни ҳамда ўз бизнесини янада кенгайтиришни хоҳламоқда.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Фидель Кастронинг саломатлигига доир

1959 йилдан буён Кубага етакчилик қилиб келаётган Фидель Кастро операциядан муваффақиятли чиқди. У ўзининг соғлиғи ёмонлашгани боис вақтинча ўз вазифасини бажариб туришни укаси Раулга топширди. Фиделнинг шахсий котиби маҳаллий телевидение орқали унинг баёнотини ўқиб эшиттирди. Унда таъкидланишича, давлат раҳбари операциядан кейин ўзини яхши ҳис қилмоқда. Фидель Кастронинг сўзларига қараганда, Аргентинага қилган сафаридан сўнг ўзина беҳол сезган ва у жарроҳлик столига ётқизилган.



Талаб рад этилди

Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежат БМТ Хавфсизлик Кенгаши қаршилигига қарамасдан мамлакатда ядро ёнилғисини ишлаб чиқариш давом эттирилишини билдирди. Эрон етакчиси маҳаллий телевидение орқали аҳолига мурожаат қилар экан, расмий Теҳрон четдан бўлаётган турли тазйиқ ва таҳдидларга бўйсунмаслигини ҳамда ядро дастури жадаллик билан олиб борилишини айтган.

Ҳафта бошида БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронга жорий ой якунига қадар уранни бойитишга бўлган ҳаракатни тўхтатишга муҳлат берганди. Хавфсизлик Кенгаши аъзолари агар ушбу талаб амалга оширилмаса, расмий Теҳронга нисбатан санкция қўллаш масаласи муҳокамага қўйилишини маълум қилишди.

Портлашлар авж олаяпти

Ироқда террорчилик ҳаракатлари кундан-кун кўпайиб бормоқда. Куни кеча давомли портлашлар оқибатида 40 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлди. Бир неча юзлаб одам жароҳатланган. Манбада келтирилишича, қурбон бўлганларнинг аксарияти ҳарбийлардир. Бағдодда жойлашган бир қатор банклар ёнида автомобиль тўсатдан портлаб кетди. Бу вақтда ҳарбийлар банкдан ўз маошларини олишаётганди.

Бундан ташқари, йигирмадан ортиқ одам гаровга олинди. Ҳозиргача уларни ким ўғирлагани ва тақдири нима бўлганлиги номаълум.

Англиялик аскарлар ўлдирилди

НАТО таркибидаги уч нафар Буюк Британия ҳарбийси Афғонистоннинг жанубидаги Гильменд музофотида ўлдириб кетилди. Бундан ташқари, яна уч нафар британиялик ҳарбий қаттиқ жароҳатланди. Сўнгги бир неча ой давомида Афғонистонда саккиз нафар англиялик ҳарбий қурбон бўлди.

Эслатиб ўтамиз, куни кеча Афғонистонга НАТО кучлари киритилганига беш йил тўлди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Таълим ислоҳоти

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг асосий тамойилларидан бири таълим мазмунини такомиллаштиришдир. Жумладан, адабий таълимни ташкил этиш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари томонидан адабиёт фани асосларини ўзлаштиришда самарадорликка эришиш, шунингдек, уларда бадиий тафаккурни шакллантиришда янги педагогик технологиянинг муҳим ўрин тутиши амалиётда ўз исботини топмоқда.

ФАРЗАНДЛАР ТАФАККУРИ ЮКСАЛСА...

Зеро, педагогик технологиялар ўқувчиларни дарсда фаол иштирок этишга, уларнинг муайян бадиий асарда илгари сурилган ғоялар моҳияти бўйича фикр юритишга, асар хусусиятлари ҳақида шахсий мулоҳазаларни баён эта олишга имкон беради.

Бугунги кун ўқитувчиси болаларни ўз фанига қизиқтириши учун кучли билим билан бирга ижодкор ва актёр бўлиши ҳам керак. Ҳар бир ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан, бугунги дарси кечагисидан фарқ қилишга, ўқувчиларнинг мавзуга қизиқишини орттиришга, уларнинг фикрини тез жамлашга қаратилган шакллар топишга ҳаракат қилмоғи лозим. Биз Ғаллаорол туманида бўлганимизда ана шундай интилишларнинг гувоҳи бўлдик. Шу ўринда бироз чекиниш қиламиз. Туман халқ таълими бўлими тасарруфида 91 та умумтаълим мактаби бўлиб, 23 таси замонавий, 68 таси мослашган биноларда жойлашган. Жами 2821 нафар ўқитувчидан 2070 нафари олий маълумотли мутахассис. Энг муҳими, бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи ўз зиммасидаги масъулиятни теран англайди, дарснинг жонли, тушунарли бўлишига ҳаракат қилади.

Шу мақсадда туманда барча фан йўналишлари бўйича узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизими ташкил этилган. Жумладан, 22-мактабда мусиқа, физика фанлари бўйича, Ф. Хўжаев номли ўрта таълим мактабида она тили ва адабиёт фанларидан ҳудудий амалий-услубий семинарлар бўлиб ўтди.

Айниқса, 33-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси А.Мамарасуловнинг «Зулфия — шеъриятимиз маликаси» доирасида ўтказган амалий-услубий семинар дарсини том маънодаги фидойи ўқитувчининг сабоғи, деб ҳисоблаш мумкин. Семинарда ўқитувчилар шу хулосага келдиларки, ўқувчиларни ўз фикрларини исботлай оладиган қилиб тарбиялаш учун, энг аввало, муаллим ижодкор ва фидойи бўлмоғи керак. Шундай қилиш керакки, мавзу устида ўқувчилар қизғин ва астойдил мунозара юритсинлар, мусобақалашсинлар, мустақил фикрга эга бўлсинлар.

Мактаб — маънавият ўчоғи. Фарзандларимиз мана шу маънавият ўчоғида шаклланади, камол топади. Шундай экан, бугунги кундаги мактаблар, таълим муассасаларининг аҳволи қай тарзда, фарзандларимиз эркин, ҳур фикрли, маърифатли бўлиб етишишида улар қандай ўрин тутмоқда?

Мана шундай саволларга жавоб олиш мақсадида тумандаги энг нуфузли мактаблардан саналган «Ўзбекистон» номидаги 22-умумий ўрта таълим мактабига ташриф буюрдик. Мактабда якунланган ўқув йилида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, таниқли ёзувчилар, санъаткорлар, ижодкорлар билан мактабда ўтказилган учрашувлар «Маҳалламиз болалари», «Кўйланг, ёш хонандалар», «Яшил чироқ» каби тадбирлар бунинг исботидир. Мактабда «Гуллар ва қушлар байрами» каби экологик тадбирлар ҳам тез-тез ўтказиб туриларкан.

Сафардан қайтар эканмиз, Ғаллаорол туманида таълим мазмунини ошириш, тарбиявий ишларни такомиллаштириш йўлидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлигини кўриб, гувоҳи бўлиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Ҳозирги таътил кунларида ҳам ижодий изланиш йўлидан бораётган таълим фидойилари ўз устиларида жиддий ишлашмоқда. Вилоятдаги ҳар бир мактабда ана шундай хайрли тадбирлар бўлишини орзулаб қолдик.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ.

МУЛОҲАЗАКОРЛИККА ДАЪВАТ

Яқинда «Файнэншл таймс» газетаси «Зарғалдоқ инқилоб» мағлубияти — тарихий имконият» номли мақолани чоп этди. Унинг муаллифи — «Янги Америка жамғармаси»нинг катта тадқиқотчиси, жорий йил сентябрида дунё юзини кўрадиган «Этик реализм: Американинг дунёдаги ролини кўра олиш» китобининг ҳаммуаллифи Анатоль Ливен сўнгги вақтларда МДҲнинг айрим мамлакатларида рўй бераётган воқеаларга Ғарб матбуоти учун ноанъанавий қарашни баён этади. Мақоласининг таржимаси мўъжаз қисқартиришлар билан эътиборга ҳавола этилаётган хорижий экспертнинг фикри ўқувчилар учун қизиқарли бўлса керак.

2004 йилда Украинада «Зарғалдоқ инқилоб» рўй бериб, мамлакатни Ғарб томон ҳаракатланишга қатъий йўналтираётгандек туюлганида, Америка матбуоти аксарияти аслида Россияга қарши қаратилган кўплаб газеталарда, жумладан, илк саҳифаларда ҳиссиётга бой сон-саноқсиз шарҳларни Украинага бағишлаган эди.

Бугунги кунга келиб 2004 йилги воқеалар бизга умуман инқилоб бўлиб туюлаётгани йўқ. Яъники, Украина давлати ҳеч қандай туб ўзгаришларни бошдан кечирмади. «Зарғалдоқ коалиция» парчаланди, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб кетди, ислоҳотлар тўхтаб қолди, жорий йилнинг мартида ўтган парламент сайловларида эса 2004 йилдаги сайловда мағлубиятга учраган «Минтақалар партияси» етакчиси Виктор Янукович кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланаётгани эркин ва ҳаққоний равишда маълум бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу воқеаларнинг барчаси репортёрлар назаридан четда қолди. Америкадаги кўплаб нашрларнинг шарҳловчилари тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади. Мафкуравий ва геосиёсий ноқулайликка муносабат билдириш сифатида сукут сақлаш эса, эҳтимол, эски шўро матбуоти шаънига ярашар. Мазкур воқеаларга фикр билдирмасак, собиқ шўро иттифоқига нисбатан Ғарб ва умуман Америка матбуоти стратегиясини чуқур ва ошкора фарқлаш имкониятини қўлдан чиқарамиз.

Буни амалга ошириш эса зарурдир. Зеро, сўнгги вақтларда Украина ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеалар аслида Америка ва озроқ даражада бўлса-да, Европа стратегияси асосланган ва асосланаётган муҳим бир қоидани инкор этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ўз вақтида Ғарб Марказий Европа ва Болтиқбўйида уюштирган жараёнларни ҳеч ўзгартирмасдан собиқ СССР мамлакатларига қўллаш мумкин эмас. У ердаги ижтимоий, иқтисодий, миллий ва руҳий вазият мутлақо бошқача. У ердаги мамлакатларнинг Россия билан муносабатлари нисбатан мустаҳкамроқ. АҚШ ва Европанинг ўзига келадиган бўлсак, синовда улар бир неча йил илгари тасаввур этилганидан кўра ҳам заифроқ бўлиб чиқди.

Жорий йил июнь ойида Римда Украина масаласига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда ЕИ амалдорлари ва Европа мамлакатлари дипломатларининг аксарияти Украина Европа Иттифоқига кириши мумкин эмаслигини баён қилишди. Ҳамкорликни ривожлантириш орқали жиддий натижаларга эришиш мумкинлиги борасида ҳам бир неча бор шубҳа билдирилди. Бунинг асосий сабаби сифатида Украинанинг етарли даражада ривожланмагани кўрсатилаётган бўлса-да, Ғарбий Европа сайловчиларининг иттифоқ кенгайишига, демакки, ушбу минтақа солиқ тўловчиларининг зиммасига юкланувчи қўшимча сарф-харажатларга қарши чиққани ҳам норозиликнинг асосий омилларидан бири бўлди. Бу эса охирги йилларда Европадаги иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши нақадар катта бўлганига ишорадир. Собиқ коммунистик мамлакатларни Ғарбга қўшиш пайтида асосий ишни ўз зиммасига олган Европа Иттифоқининг қамровли қудрати айни пайтда тўла имкониятлар чегарасида ишламоқда.

Бундай бўлганидан шунчаки таассуф чекиш ва индамай ўтириш мумкин. Бироқ ҳозирги вазиятларга тафаккурни янги йўлга ўтказиш имконияти сифатида ҳам қараш зарур. Ўтмишда биз тажрибага асосланмаган ҳолда, сайловчилари Россиядан узоқлашишни хоҳлаш-хоҳламаслигидан қатъий назар, мамлакатни Россиядан узоқлаштириш пайида бўлган украин сиёсатчиларини ҳақиқий қонуний ва демократик давлат арбоблари деб аташга мойиллик билдирган эдик.

Бордию биз мулоҳазакорликни намоён этадиган бўлсак, хорижий сармоялар учун очиқ ҳамда Россия билан ҳам, Ғарб билан ҳам иқтисодий боғлиқ бўлган мустақил ва бетараф Украина саъй-ҳаракатларимиз натижаси бўлиб қолур эди. Украина тарихи мезонлари билан қараганда бу ҳавас қилса арзигулик истиқболдир.

«Жаҳон» АА.

«MTC-SUPER» ТАРИФ РЕЖАСИ!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА $0.04 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ КИРУВЧИ АЛОҚА БЕПУЛ

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИҚУВЧИ АЛОҚА $0.02 (1 дақиқа учун)

МТС-Ўзбекистон абонентлари учун:
- 1 августдан уланишда олдиндан тўлов - $6.
- 1 августдан ҳамма тариф режалари учун барча қўнғироқлар 1-секунддан нархланади ва тўлиқ дақиқагача яхлитланади.
- Халқаро GPRS-роуминг хизмати Хитойда (China Mobile) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 15 янги база станциялари: Тошкент шаҳрида, шунингдек, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида ишга туширилди.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.
БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН.

Карши шаҳрининг 2700 йиллигига

Юртимизнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Насаф (Қарши)дир. Унинг шарқда йирик илм-фан ва маданият марказларидан бири сифатидаги довруғи азал-азалдан маълум. Бу кўҳна кентдан кўплаб илм дарғалари чиққан бўлиб, қадимий ёзма манбаларда ан-Насафий нисбаси билан бир неча юзлаб олиму уламолар, буюк мутафаккир донишмандларнинг табаррук номлари зикр қилинган.

НАСАФИЙЛАР МЕРОСИ ИЗИДАН

Лекин, тассуфлар бўлсинки, бу алломаларнинг ҳаёти ва қолдирган бой илмий-маънавий меросларининг истиқлолимизгача умуман ўрганилмади. Фақат мустақиллигимиздан кейин улар ижодига эътибор бошланди. Бу борада Юртбошимиз Қашқадарё вилоятида сўзлаган нутқларида қуюнчаклик билан таъкидлаган эдилар: **«Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё заминида бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Биргина қадимий Насаф шаҳрида ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққани бунинг ёрқин далилидир... Афсуски, бу улуғ зотларнинг номларини, уларнинг бебаҳо меросини ҳали кўпчилик билмайди. Қашқадарё воҳасида камол топган мана шундай улуғ аждодларимизнинг тарихини, фаолиятини, маънавиятимиз хазинасига қўшган ҳиссасини ҳар тарафлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш олимларимиз, биринчи галда, қашқадарёлик зиёлиларнинг бурчидир». «...Насафийлар, кешийлар меросини ўрганишга вақт етиб келмадими, нима, уларни четдан келиб ўрганишларини кутяпсизларми?!..»**

Бу ҳаётий кўрсатмалар кўплаб муҳим ва хайрли ишларга кучли туртки бўлди. Энг аввало, вилоят ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан Қаршида «Насаф ва кешлик алломалар меросини ўрганиш илмий маркази» ташкил этилди. Марказ фаолият кўрсатган пайтда вилоят шаҳар ва қишлоқларидан етишиб чиққан кўплаб алломалар ва улуғ азизу авлиёлар ҳаёти ва меросларини илмий асосда ҳар томонлама чуқур ўрганиш билан бир қаторда, Қашқадарё ҳудудида сақланиб қолган кўплаб тарихий обидалар, зиёратгоҳу ёдгорликлар, қадимий масжиду мадрасалар, работлар, мақбараларни ўрганиш, улар ҳақида аниқ, мукаммал маълумотларни тўплаб кенг халқ оммасига етказишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Вилоят ҳокимлигининг бевосита ёрдами ва ушбу Марказ фаолларининг саъй-ҳаракатлари туфайли пойтахтимиздаги қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимлари билан ҳамкорликда катта илмий анжуманлар ўтказилиб, бу йўналишда дастлабки рисолалар ва асарлар чоп этилди. Катта аҳамиятга эга бир қатор илмий-маърифий ишлар режалаштирилган.

Насафийлар ҳаёти ва улар илмий-маънавий меросини ўрганиш хусусида Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги шафеълигида биз яқинда Миср ва Туркия каби мамлакатларда илмий сафарда бўлдик. Бундан кўзланган асосий мақсад қадимий Насафдан етишиб чиққан олимлар — Насафийларнинг ҳаёти, асарларининг қўлёзма нусхалари, шунингдек, шу мавзуга оид адабиётлар ва илмий тадқиқотлар билан бевосита танишиш ҳамда имкон қадар улар ҳақида юртимизга маълумотлар олиб келиш эди. Илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни бажариш мақсадида Истанбул шаҳридаги Сулаймония, Султон Боязид Давлат кутубхонаси, Оя Сўфия, Нури Усмония ҳамда Миллат кутубхонаси, Қоҳирадаги Дор ал-кутуб вал васоиқ ал-қавмиййа, Ал-Азҳар ва Қоҳира университетлари, Ислом тадқиқотлари олий маъҳади ҳузуридаги кутубхоналарда изланиш ишлари олиб борилди. Мазкур илм даргоҳларида насафлик олимлар (қисман Кеший ва Паздавийлар) томонидан яратилган асарларнинг 300 дан ортиқ, асосан, ўрта асрларда кўчирилган, қўлёзма нусхалари сақланишидан ғоятда мамнуният ҳосил қилдик ва уларнинг мазмун-моҳияти билан имкон қадар танишиб, дастлабки маълумотларга эга бўлдик. Алоҳида фахр-ифтихор билан таъкидлаш жоизки, буюк ватандошларимиз — насафлик аҳли донишнинг илмий салоҳиятлари нақадар юксак бўлганлигига сафаримиз давомида яна бир марта комил ишонч ҳосил қилдик. Мисрда ҳам, Туркияда ҳам насафлик таниқли олимлардан бири бўлган Нажмиддин Умар Абу Ҳафс ан-Насафийнинг ўндан ортиқ асарларининг қўлёзма нусхалари сақланаётгани маълум бўлди. Унинг мамлакатимиз илм аҳлларига яхши таниш бўлган асарлари билан бирга, бир неча янги асарлари қўлёзмаларини ҳам учратдик. Шулар жумласидан фиқҳ илмига оид «Туҳфат ал-мулук» («Подшоҳларга туҳфа»), Қуръони Карим тафсирига бағишланган «Ал-Акмал ал-атвал» («Энг узун ва мукаммал тафсир») номли асарлари қўлёзмалари ҳақидаги дастлабки маълумотларга мутолаа натижасида эга бўлдик.

Ўрта асрларда кўҳна Насафдан чиққан буюк алломалардан бири, шубҳасиз, машҳур мутакаллим имом Абу Мансур ал-Мотурудий таълимотининг давомчиси Абул Муъийн ан-Насафий ҳисобланади. Алломанинг калом илмига оид «Табсират ал-адилла», «Баҳр ал-калом», «Ат-Тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид» каби асарларининг кўплаб қўлёзма нусхалари борлиги ҳам бу манбаларнинг ғоятда муҳимлигини кўрсатади. Туркиялик таниқли олимлар Ҳусайн Отай ва Шаъбон Али Дузгун томонидан Абул Муъийн ан-Насафий «Табсират ал-адилла» асарининг танқидий нашри тайёрланиб, у 2003-2004 йилларда Анқарада икки йирик жилдда нашр этилганлиги ҳам буюк ватандошимиз меросини ўрганиш йўлида амалга оширилган салмоқли қадам бўлиб, биз бу қимматли нашрдан нусхалар олиб келдик.

Насафдан кўп олимлар чиққан бўлса-да, эҳтимол улардан имомлик мартабасига эришган яккаю-ягона олим Абул Баракот ан-Насафий десак, ҳеч бир муболаға бўлмас. У ўз даврида аксар исломий илмлар бўйича яратган салмоқли асарлари билан бу муборак диннинг асл мазмун-моҳиятини, чин маънодаги инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиб, уни турли бидъатчи гуруҳ ва оқимларнинг зарарли таълимотларидан ҳимоя ҳам қилган. Шу боис имом Абул Баракот ан-Насафий «Ҳофиз уддин» (Дин ҳимоячиси) деган юксак унвонга сазовор бўлган. Қоҳира ва Истанбул кутубхоналарида унинг қаламига мансуб асарларнинг, ғоятда кўп сонли қўлёзмаларининг мавжудлиги, гапнинг очиғи, биз учун кутилмаган воқеа бўлди. Жумладан, Қуръони Карим тафсирига оид «Мадорик ат-танзийл ва ҳақоиқ ат-таъвийл» асарининг олтмишга яқин қўлёзмалари, усул ал-фиққа оид «Манор ал-анвор» номли асарининг 120 дан ортиқ қўлёзма нусхалари ёки олимнинг ҳанафия мазҳаби фиққини муфассал баён қиладиган «Канз уддақоиқ» номли асаридан 80 га яқин нусхалар борлиги уларга қизиқишнинг барча даврларда ҳам катта бўлганлиги исботидир. Сафаримиз давомида Насафдан чиққан Аҳмад ибн Абу ал-Муаййад ан-Насафий, Қутбиддин Али ибн Муҳаммад ибн Деҳқон ан-Насафий, Азиз ибн Муҳаммад ан-Насафий, Азизуддин ибн Муҳаммад ан-Насафий, Лутфуллоҳ ал-Фозил ал-Кайдоний ан-Насафий ва бошқа бир қанча олимлар асарларининг сақланиши ҳам бизни ғоятда мамнун этди. Айни вақтда, тамоман янги асарлар билан танишиш бахтига муяссар бўлганлигимизни ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Насафлик таниқли олим, узоқ йиллар Насаф шаҳрида бош имом-хатиб лавозимида фаолият кўрсатган Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафийнинг (961-1041) ўнга яқин асарлар ёзганлиги маълум эди. Лекин илм аҳлларига маълум бўлмаган «Ваъзият ал-Мустағфирий» номли асари унинг ўз даврида қилган ваъз ва мавъизаларининг мажмуаси бўлиб, ягона нусхаси Қоҳирадаги «Дор ал-кутуб вал васоиқ ал-қавмийя» номли илмий даргоҳда сақланар экан. Ёки бўлмаса Кеш (Шаҳрисабз)дан чиққан машҳур муҳаддис Абд ибн Ҳумайд ибн Наср ал-Кешийнинг (вафоти 863 йил) ҳадис илмига оид «ал-Муснад» асарининг ягона қўлёзма нусхаси Истанбулдаги «Нур ал-Усмония» кутубхонасида (1231 рақами остида, 194 варақдан иборат) сақланади. Бу асар билан танишишдан хулоса қилиш мумкинки, юртимизда ҳадис илмининг олтин даври бўлган IX асрда Қашқадарё воҳасида ҳам бу мўътабар илм юксак поғоналарга кўтарилган экан.

Насафлик олимларнинг илмий-маънавий меросини ўрганишда хорижлик тадқиқотчиларнинг эътиборга молик ишларидан ҳам фойдаланиб, баъзи маълумотларни тўплашга муяссар бўлдик. Насафлик таниқли олим Абу Мутиъ Макҳул ан-Насафий (вафоти 930 йил) қаламига мансуб «Китоб ар-Радд аъло ал-бидъа вал ахво» номли, бидъатчи гуруҳларга қарши ёзилган асари ҳақида франциялик олима Мария Бернанд илмий тадқиқотлар олиб борган. У асарнинг 1143 йилда кўчирилган ва Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида сақланадиган ягона нусхасига асосланиб, 1980 йилда Қоҳирадаги «Ал-Ҳавлият ал-исламалужия» номли журналда ўз илмий тадқиқоти ва асар арабча матнининг танқидий нашрини чоп этган. Шу нашрдан нусха келтирилганлиги ҳам келажакдаги илмий изланишлар учун фойдадан холи бўлмайди, албатта. Булардан ташқари, насафлик алломалар қаламига мансуб ўнга яқин асарлар қўлёзмалари СД дискига ёзилиб олиб келинганлиги, юзга яқин насафлик олимлар ҳаёти ва асарлари ҳақидаги маълумотлар ҳам илмий тадқиқотлар учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси мудири,
тарих фанлари доктори.

Шоҳсупадаги зафарлар кўзгуси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олимпия ўйинлари вақтида ҳар қандай урушлар тўхтатилган. Дунёдаги энг нуфузли бўлган мазкур мусобақада асосийси ғалаба қозониш эмас, иштирок этишдир.

Давлатимиз раҳбари музей фаолияти ҳақида тўхталиб, «Олимпия шон-шуҳрати музейи шунчаки экспонатлар тўпламидан иборат маскан бўлибгина қолмасдан, балки у маънавият ва маърифат ўчоғига, буюк Ватанга муносиб фарзандларни тарбиялаш марказига айланмоғини ва жаҳон спорт майдонларида фарзандларимизнинг юксак ғалабаларини тасвирлайдиган янги экспонатлар билан бойиб боришини истар эдим», деб алоҳида таъкидлаган эдилар.



Музей ўн йиллик фаолияти давомида Ўзбекистонда олимпизм ва спорт ютуқларини тарғиб қилиш марказига айланди.

Бу ерга қўйилган экспонатларда Олимпия ҳаракати тарихи, Халқаро ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси фаолияти, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади. Олимпиада ўйинларининг шонли тарихида ўз номларини қолдирган машҳур спортчиларимиз билан танишишни истовчилар юртимизда кўплаб топилади. Г. Шамрай, О. Чусовитина, С. Бабанина, Н. Устинова, В. Дуюнова, Л. Павлова, Р. Рисқиев, К. Тўлаганов, М. Абдуллаев, Р. Саидов, С. Михайлов, Л. Черязова, А. Богдасаров, А. Таймазов, Р.Қосимжонов ва бошқа кўплаб номдор спортчиларимиз фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Президентимизнинг Олимпия ҳаракати ва спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланган мукофотлари — ХОҚнинг ва Осиё Олимпия кенгашининг Олимпия олтин орденлари, Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясининг олтин ордени ва сертификати, Халқаро ҳаваскорлар кураш федерациясининг олтин маржони музейнинг энг қимматбаҳо экспонатларидан ҳисобланади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

МАЗ
МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал-юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўлқурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ-хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиши» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» КК
- «УзДонгВон КО» КК
- «UZEXIDE» КК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-30-78.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
КОДОС HID
ADI International

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы контроля доступа
Устройства печати на пластиковых картах

DatacardGroup
SECURE ID AND CARD PERSONALIZATION SOLUTIONS



ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лицензия КМ №000390 (проектирование).

«Ҳидоят»нинг 6-СОНИ

Кекса бир киши Жалолиддин Румий ҳазратларининг ҳузурига келди. Сочлари юлинган, ҳоли паришон, мажолсиз эди. Бор кучини тўплаб, Румий ҳазратларининг этагига ёпишди. Кўз ёшларини оқизиб:

— Етти нафар фарзандим бор. Уларнинг бирини ўғирлаб кетишди. Неча кундан буён оч-наҳор, ялангоёқ кўзимнинг оқу қорасини ахтариб тинкамадорим қуриди, аммо тополмадим, — деди.

Румий ҳазратлари надомат билан бошини силкитди:

— Бутун мавжудот Аллоҳни унутган, Уни йўқламайди! Истаги ижобат бўлишини Ундан сўрамайди. Одамлар кўкракларига уриб, оҳ чекиб, бошларини деворга урадилар-у, бир он бўлсин, Уни хотирламайдилар. Сендек бир оёғи чуқурда бўлганлар фарзанд доғида ўзларини хароб қиладилар-у, Аллоҳдан бир оғиз истиғфор сўрамайдилар. Нечун Ёқуб (алайҳиссалом) каби Унга илтижо қилиб, нажот топмайсан!?

Кекса киши дарҳол хатосини англаб етди. Астойдил тавба қилиб, энди ўрнидан турган ҳам эди, фарзанди топилганининг хабарини беришди.

Ушбу ибратли ҳикоя «Ҳидоят» журналининг охирги 6-сонидан олинди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-ижтимоий, илмий-адабий нашри «Насиҳат» рукни остида «Одамнинг заифлиги нимада?» мақоласи билан бошланади. Шунингдек, мазкур сонда Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг устоз ва шогирд мавзуидаги суҳбат мақоласи, «Ислом ва олам» сарлавҳаси билан дунё хабарлари, Фарҳод Соҳибназарнинг «Энг гўзал асар» деган фалсафий мақоласи ва бошқа кўплаб ҳадислар ҳамда ривоятлардан намуналар берилган.

«КАМОЛОТ» ИНТЕРНЕТДА

НУКУС (ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ).

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон кенгаши ўзининг www.kamolot.tk. сайтини очди. Унда ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида мазкур кенгаш фаолияти, Оролбўйи ёшларининг ҳаёти ҳақидаги қизиқарли мақолалар, хабарлар, фотосуратлар жойлаштирилган.

Сайт Нукус шаҳридаги 1-гимназия ўқитувчиси Қарлиғаш Эшонова ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастурининг махсус лойиҳаси кўмагида яратилди.

MAKESMAN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

«Ҳуқуқ» газетаси таҳририяти жамоаси бўлим муҳаррири Ғофуржон Алимовга онаси

Иноят ая АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали олий тоифали режиссёри

Хайрулла ҲУСАНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 23456